



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 13 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 158 (12.719)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ОЛМАЗОР ТУМАНИ:

ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



Бир неча кунлардан сўнг мустақиллигимизнинг кутлуг 23 йиллик байрамни кенг нишонлаймиз. Байрам муносабати билан пойтахтимиз Тошкент янада чирой очиб, гуллаб-яшнамоқда. Шаҳримизнинг барча туманларида байрамолди тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Фуқароларимизнинг кайфияти чоғ, кўнгиллари тўқ, қалблари ҳаяжонга тўлиб, энг азиз байрамни қарши олмақда.

Олмазор туманида ҳам мустақиллик шодиёналарига тайёргарлик ўзгача руҳда кетмоқда. Пойтахтимизнинг энг катта туманларидан бири бўлган Олмазор туманида кўри-ниш касб этган. Майдони 3,45 минг гектар бўлган ушбу туманда бугунги кунда 334 минг аҳоли истиқомат қилаётди.

Хозирда туманда 58 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда жами 84 минг 700 дан ортиқ оила бор. Аҳолининг аксарияти қисми кўп қаватли уйларида истиқомат қилади. Туман ҳудудида 726 та кўп қаватли уй бўлиб, ҳозирда уларнинг куз-киш мавсумига тайёргарлиги текширилмоқда. Таъмирталаб томлар, йўлақлар, ерқўлақлар ва бошқа жойлар таъмирдан чиқарилмоқда.

Шунингдек, яқка тартибдаги уйларнинг атрофи, маҳаллалар гузарлари, кўча ва хибоблар тартибга келтирилмоқда. Ариқлар тозаланиб, чиқиндилар белгиланган ҳудудларга олиб ташланмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар туман кўрки-

га-кўрк, чиройига-чирой кўшмоқда.

Олмазор тумани барча соҳалар, жумладан, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам шаҳримизнинг илгор туманларидан бири ҳисобланади. Бугун бу ерда 4228 та кичик ва 226 та йирик корхоналар, 166 та транспорт ташкилоти, битта бозор ва 13 та ёқилга кўйиш шохбчалари фаолият юритмоқда. Туманда 2014 йилнинг январ-июнь ойлари якуний натижаларига мувофиқ иқтисодий ривожлантириш прогноз кўрсаткичи параметрлари бажарилди ва барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари ҳажми ва чакана савдо айланмасида бирмунча ўсиш суръатлари кузатилди.

Туманда ҳозирда 47 та мактабга, 2 та таълим муассасаси, 32 та мактаб,

саккизта коллеж, шунча лицей, 3 та мактаб интернати ва 4 та олий таълим даргоҳи ёшлар камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда спортга бўлган эътибор ортиб бормоқда. Кўплаб очик ва ёпиқ турдаги спорт иншоотларининг барпо этилиши, замонавий жиҳозларга эга спорт мактабларининг очилиши ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом тарзда вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади. Олмазор туманида ҳам спортга бўлган эътибор жуда юқори. 4 та стадион, етти та бассейн, шунча спорт мажмуаси, 68 та спорт зали ва 32 та спорт майдончалари ёшлар билан гавжум. Бу масканларда тарбияланаётган ёшлар орасида мамлакатимиз ва халқаро мусобақаларда яхши натижаларни кўлга киритган ёшларни кўриш мумкин. Уларнинг сафи тобора кенгаймоқда.

Шунингдек, туманда аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун тўртта маданият уйи, битта кинотеатр ва иккита истироҳат боғи мунтазам ишлаб турибди.

Айтиш жоизки, Олмазор тумани йилдан йилга ривожланиб, барча соҳаларда юқори кўрсаткичларни қайд этмоқда.

(Олмазор туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Ҳашар — элга ярашар

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН

16-17 август кунлари пойтахтимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Азиз ҳамшаҳарлар! Халқимизда «Обод юртга байрамлар ярашади», деган аjoyиб ҳикмат бор. Гўзал ва бетакрор Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида ҳар биримиз жонажон шаҳримизнинг янада обод ва кўркем бўлишига ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Маҳалла-кўй, кекса-ю ёш ҳамжиҳат бўлиб маҳаллаларимиз, мавзеларимизни, кўп қаватли уйлар ва ҳовлиларимиз атрофларини, кўчалар, бола-лар майдончаларини обод қилайлик, кириш йўлакларини озода қилиб барака йўлини очайлик, дарахт ва буталарга шакл бериб, уларни оқлайлик,

қуриган дарахт ва шохларни бартараф этайлик, ариқ, томорқа ва йўлақлар ҳамда ер юзасини қуриган ўтлардан тозалайлик, ҳовлимиз ҳусни ва кўркини бузиб турган турли чиқиндилардан халос этайлик, фарзандларимиз ва набираларимиз учун «Болалар майдончалари»ни тозалаб, уларни таъмирлашга ҳисса қўшайлик, автотураргоҳ ва гаражлар атрофини тартибга келтирайлик.

Бу савобли ва хайрли ишларда ҳар биримиз фаол иштирок этиб, намуна кўрсатайлик.

Барча ҳамшаҳарларимизни ушбу эзгу ишда ҳамжиҳат бўлишга чақирамиз!

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 август кунини Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг Энергетика соҳасида ҳамкорлик бўйича кичик қўмитаси навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, иқтисодиёт, нефть-газ, энергетика, геология каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Г.Саидова Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик савдо, иқтисодиёт, сармоя, энергетика каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган қелишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йилнинг май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг IV саммитидаги иштироки ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви ўзаро муносабатларини янги мазмун билан бойитиб, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлигини янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, Стратегик шериклик ўрна-тиш тўғрисидаги қўшма декларация ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорлигини янада чуқурлашти-риш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма деклара-ция руҳида барча соҳаларда ривожланмоқда. Хитой мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий ва сар-моявий ҳамкорлари орасида етакчи ўринни эгал-лайди. 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси савдо-иқтисодий ва сармоявий, энергетика, нефть-газ, транспорт ва илмий-техникавий алоқаларни ривож-лантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий со-ҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қил-моқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бораётди. Жорий йилнинг январь-май ойла-рида бу кўрсаткич қарийб 2,2 миллиард АҚШ дол-ларини ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокида тузилган 482 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Хитойнинг етмишдан зиёд компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

Мамлакатимиздаги қулай бизнес муҳити, хори-жий сармоядорларнинг манфаатларини таъминлаш-га қаратилган афзалликлар ва кафолатлар тизими хитойлик ишбилармонларнинг юртимиз иқтисоди-ётига қизиқиши ва ишончини оширмоқда.

Хитой ишбилармонлари мамлакатимизда ташкил этилган иқтисодий-индустриал зоналарда фаол иш юритмоқда. Хусусан, «Жиззах» маҳсус индустриал зонасида Хитой компанияларининг 50 миллион дол-лардан зиёд микдордаги тўғридан-тўғри инвести-циялари иштирокида ўн бешдан ортиқ қўшма лойиҳа амалга оширилмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ёқилғи-энергетика соҳасида ҳам изчил тараққий этмоқда. Марказий Осиё — Хитой газ қувурининг тўртта тар-моғи ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтган нефть-газ соҳасида юксак даражадаги ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликдан далолат беради.

Мамлакатларимиз Ўзбекистон — Хитой газ қуву-рининг тўртинчи линиясини қуриш ва ишга туширишни стратегик аҳамиятга молик муҳим лойиҳа, деб ҳисоб-лайди. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинь-пиннинг 2013 йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат таърифи доирасида йилга 30 миллиард куб метр газ етказиб бериш қувватига эга мақзур линия қурилишига оид ҳужжат имзоланди. Бу Марказий Осиёдан ХХРга табиий газ экспорти ва транзитини янада кенгайтириш имконини беради.

Хитой компаниялари юртимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазил ишларида фаол иш-тирок этаётди. Хитой Миллий нефть-газ корпора-цияси (CNPC) истиқболли углеводород конларини қидириш ва ишга тушириш, шунингдек, Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта иш-лаш лойиҳасини амалга оширишда қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда экологик экспер-тизани амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган семи-нар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳит-ни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати Наманган вилояти ҳуду-дий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, «Ка-молот» ЁИХ вилоят кенгаши, «Ма-ҳалла» хайрия жамоат фонди вило-ят бўлими вакиллари, оммавий ах-борот воситалари ходимлари ишти-рок этди.

• Самарқанд шаҳрида «Энг наму-нали фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда тан-ловнинг туман, шаҳар босқичида голибликни кўлга киритган ўн олти маҳалла жамоаси қатнашди. Ишти-рокчилар бунёдкорлик ва обodon-лаштириш, фуқаролар йиғинлари-нинг тадбиркорлик фаолиятини ри-вожлантиришга кўмаклашиш каби бир неча масалаларни ўз ичига ол-ган учта йўналиш бўйича беллашди-лар.

• Сурхондарёда Ўзбекистон «Мил-лий тикланиш» демократик партияси вилоят кенгашининг XIX пленуми бўлиб ўтди. Унда партия вилоят кен-гашининг 2014 йил биринчи ярим йиллиги сарҳисоби ва истиқболдаги режалар муҳокама этилди.

• Хива шаҳрида Ватанимиз муста-қиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб қовун сайли ташкил этил-ди. Сайил доирасида «Ширин қовун» танлови ҳам ўтказилди. Тадбирда қовун етиштиришни янада ривожлан-тириш, илгор технологияларни жорий этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, қовуннинг йўқолиб бораётган навла-рини қайта тиклаш, янгиларини кўпайтириш борасида мутахассислар билан фикр алмашилди.

ЖАҲОНДА

• Американинг Детройт шаҳрида кучли ёмғир ёғиши натижасида сув тошқинлари рўй берди. Бир кеча-кун-дуз давомида ёққан ёмғирнинг миқ-дори 12 сантиметрга етганлиги оқибатида кўплаб кўчалар, автома-гистралларда улкан сув тошқинлари юзага келган. Воқеа жойида кутқарув-чилар ҳамда оғир юк транспортлари иш олиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, бундай кучли ёмғирлар ушбу ҳудудда сўнгги 200 йил даво-мида илк бор кузатилмоқда.

• Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида 2016 йилда ўтказиладиган ёзги Олимпиаданинг расмий тимсо-ли намойиш этилди. Келгусида ушбу тимсол Олимпиадага жалб этилади-ган барча коммуникация воситала-ри, шаҳардаги реклама, мусобақа-лар учун чиқариладиган чипталар, спорт формалари ва анжомларда акс этади.

• Кеча Венгрияда аънавий хал-қаро «Сигет» мусикали фестивали очилди.



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ОЛМАЗОР ТУМАНИ:

ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



МАҲАЛЛА КЎРКАМ — ЮРТ ОБОД

— Маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, деган эди Юртбошимиз. — Халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азда ҳам эл-улуснинг ҳамжихатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бугун маҳалла давлатимизнинг ҳуқуқий ва демократик жамиятимизнинг асосий таянчларидан бирига айланган. Шу боис бугун жамиятимизда маҳалланинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Олмазор туманида ҳам эллик саккизта мана шундай жамоат тузилмалари иш олиб бормоқда.

«Нихол» маҳалласи тумандаги энг намунали маҳаллалардан биридир. Маҳалланинг умумий майдони 7,6 гектари ташкил этади. 778 та яқка тартибдаги уйларда 1222 та оила истиқомат қилади.

Асосан яқка тартибдаги уйлардан иборат бўлган маҳаллада Энг улуг ва энг азиз байрамимизни ўзгача иштиёқ билан кутиб олиш учун тайёргарлик авжида. Уйларнинг ва бошқа иншоотларнинг ён-атрофи, йўлаклар, кўчалар, болалар майдонлари ва бошқа жойлари тозалаш, ободонлаштириш ишлари кетмоқда.

— Маҳалламиз тумандаги илгор маҳаллалардан биридир, — дейди «Нихол» маҳалла фукаролар йиғини раиси

Нигматилла Иноғомов. — Бунинг учун нафақат обод ва кўркамликка эришиш керак, балки маҳалла тинч-тотув, оилалар фаровон, жиноятчиликнинг олди олинмоғи лозим. Бу борадаги ишларни амалга оширишда жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари, маънавий-маърифий учрашувлар, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга бағишланган давра суҳбатлари ташкил этиб келинади. Ёшларимизнинг бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, спорт ва бошқа фойдали ишлар билан шуғулланишлари учун шароит яратиб бераёмиз.

Бир сўз билан айтганда, барча жаҳада тумандаги илгор маҳаллалардан бири ҳисобланмиш «Нихол» маҳалласи аҳолисининг мустақиллик айёмини кўтаринки кайфиятда кутиб олишларини тилаган ҳолда маҳаллани тарқ этдик.

Маҳсулотлари харидорлар ишончини қозонган «Asian Diamond Classic» масъулияти чекланган жамиятида турли хилдаги кир ювиш кукунлари ишлаб чиқарилмоқда.

ИМКОНияТлардан унумли Фойдаланиш

Олмазор туманида фаолият олиб бораётган мазкур корхонада бугунги кунда кир ювиш ва тозалашга мўлжалланган «Зелёный чай», «Diamond», «Novel», «Bio Time» каби жами саккиз хилга яқин маҳсулот тайёрланмоқда.

Корхона 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, 2010 йилнинг август ойидан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаган. Бир ойда 15 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга корхонанинг техника ва технологиялари Хитой давлатидан келтирилган. Эҳтиёт қисмлар ва қўшимча қурилмалар эса ўзимизда тайёрланади.

Ишлаб чиқаришда зарур хом ашёнинг асосий қисми ҳам ўзимизнинг маҳаллий маҳсулотдир. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг каттагина қисми ички бозорда сотилади. Қолган қирқ фоизга яқини эса МДХ ва Марказий Осиё давлатларига экспорт қилинади.

Ҳозирги кунда корхонада 87 нафар ишчи-хотим меҳнат қилиб келмоқда. Ишчиларнинг кўп қисмини яқин йилларда коллежни тугатган ёшлар ташкил этади.

— Давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига кўплаб имкониятлар яратиб берилмоқда, — дейди корхонанинг маркетинг бўлими бошлиғи Улуғбек Нишонов. — Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва тех-

нологияларни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз. Шунингдек, корхонамиз таркибида идиш-товоқ ювишга мўлжалланган гел ишлаб чиқариш тизимини йўлга қўйиш арафасида. Бунинг учун барча нарса тайёр, яқин кунларда бу тизим ҳам ишга тушади. Уйлаган режамиз муваффақиятли амалга ошса, яна бир неча йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлади.

Корхонада ишчиларнинг кўп қисмини ёшлар ташкил этганлиги боис тажрибали ходимлар уларга иш ўргатиб келишади. Улуғбек Махмудов, Умида Тожибоева, Ахрор Қосимов ва Маъмура Абдужабборовва сингари тажрибали ишчилар ёшларга ўрнатилган келмоқда.

Ўтган йил яқунларига кўра, корхона жамоаси ўз олдида қўйган режани ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлди. Ишлаб чиқариш кўлами 2012 йилга нисбатан бирмунча кўпайди. Энг муҳими, «Asian Diamond Classic» жамоаси пойтахтимизда ўтказиладиган халқаро кўргазма ва ярмаркалар ҳамда танловларда иштирок этиб, юқори натижаларни қайд этиб келмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат ва салмоғини янада ошириб боришга оид ишлар мунтазам олиб борилади. Бу ишлар ҳозир ҳам изчил давом этмоқда.

шида ўқишга қабул қилинади. Биринчи ва иккинчи босқичларда таълим давлат таълим стандартлари асосида лицей дастури орқали олиб борилади. Учинчи босқичга бориб асосий фанлар инглиз тилида ўқитилади.

Ўқувчиларни янги технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан мунтазам таништириб бориш ва уларнинг қизиқишини ошириш мақсадида «Ўзвот-санот» акциядорлик компаниясига тегишли автомобиль ишлаб чиқариш корхоналари ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг замонавий жиҳозланган фан кафедралари, лаборатория ва ишлаб чиқариш технопарклари билан ҳамкорликда фаолият олиб борилади.

— Лицейимизда ёшларнинг билим олишлари учун барча қулайликлар яратилган, — дейди таълим муассасаси раҳбари Гулрух Мирходжаева. — Ахборот-ресурс марказимиз мингдан ортиқ турли адабиётлар, 50 дан зиёд электрон дарсликлар ва интернетга уланган сўнгги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг хорижий тил ўрганишга бўлган қизиқишларини инobatта олиб, замон талаблари даражасида жиҳозланган ўқув маркази ҳам ташкил этилган.

Академик лицей ўқувчиларини маънавий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш, фан олимпиадаларида иштирок этиш, музейларга бориш, электрон дастурлар тайёрлаш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга жалб этиш бўйича доимий иш олиб боришмоқда.

Саҳифа материалларини Абдуалим САЛИМОВ тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ҲАМКОРЛИГИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки билан ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда. Хитой Давлат тараққиёт банки энергетика, транспорт, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа йўналишлардаги умумий қиймати 3,8 миллиард доллардан зиёд турли лойиҳаларда иштирок этмоқда.

Юртимизда нефть-газ қазиб олиш билан бирга уларни чуқур қайта ишлаш, шу орқали маҳсулотлар турини кўпайтиришга эришилмоқда. Шундай корхоналар барпо этилаётгани самарасида мамлакатимизда илгор технологияларга асосланган нефть ва газ кимёси саноати ривожланаётган.

Хитойлик ишбилармонлар Ўзбекистондаги иқтисодий барқарорлик халқаро миқёсда улкан эътибор қозонаётганини таъкидлаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик лойиҳаларда иштирок этишга тайёр эканлигини билдирди.

— Ўзбекистон иқтисодиёт ва энергетика соҳаларида улкан салоҳиятга эга, — деди Хитой Халқ Республикасининг ривожланиш ва ислохотлар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари, энергетика бўйича давлат бошқармаси раиси У Синьсюн. — Мамлакатларимизнинг бу соҳалардаги алоқалари гоёта самарали, ҳар икки томон учун фойдали бўлмоқда. Қуёш ва шамол энергетикаси соҳалари ҳам ҳамкорлигимизнинг истиқболли йўналишларидан. Ушбу қўмита мажлиси биргаликда қатор лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодиёт, нефть-газ, энергетика соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи, икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро манfaatли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Бандлик дастури — амалда

ЁШ ТАДБИРКОРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

«Менинг бизнес гоём — 2014» қўриқ-танловда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида яшовчи ёш тадбиркор Рустам Исмоилов гоёиб деб топилди. Гоёиб нақшли темир эшиклар, дераза панжаларлари йиғилганлар эътиборини тортгани унинг ушбу турдаги хунармандлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш гоёиси истиқболли эканини кўрсатди.

Мамлакатимизда аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони коллеж битирувчиларининг бизнес гоёяларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари билан ҳамкорликда 2011 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Менинг бизнес гоём» танлови ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлашда истиқболли лойиҳалардан бирига айланди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг тадбиркорлик лойиҳалари бўйича координатори Бахтиёр Мамадалиевнинг таъкидлашича, 2011 йили мазкур лойиҳада касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг 22 минг нафар битирувчиси иштирок этган бўлса, 2014 йилда уларнинг сони 135 минг нафарни ташкил этди. Лойиҳа доирасида жорий йилда 500 нафар ёш тадбиркорга 3,9 миллиард сўмга яқин микрокредитлар ажратишга қўмақлашилди.

Металлдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ёш тадбиркор Рустам Исмоилов ҳам бу имкониятдан фойдаланиб, банкдан микрокредит олди.

— Ёшлигимдан отам Ботир Исмоиловнинг темирга қандай ишлов беришини, ундан турли шакллар ясагини кўриб ҳавас қилардим, — дейди Рустам. — Йиллар давомида отамдан ушбу хунар сирларини ўргандим. Эндиликда мустақил равишда фаолият юритмоқдам. Мамлакатимизда ёшларнинг тадбиркорлик гоёяларини қўллаб-қувватлаш, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни рағбатлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жамоамиз жуда аҳил, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз харидорларга манзур. «Менинг бизнес гоём» танловидида муваффақият бизни янада катта ютуқларга эриштишга ундамоқда.

(ЎЗА)

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, ёшларга яхши билим бериш, уларни замонавий касб кўникмаларига эга, юқори салоҳиятли, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида қарайдиган ватанпарвар инсон этиб тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим масалаларидан биридир.

Дарҳақиқат, ҳар бир юрtnинг келажаги, эртасининг қандай бўлиши унинг ўсиб келаётган авлодида ботди. Барча соҳада юқори малакага эга ва Ватанга садоқатли кадрларнинг бўлиши ўша юрtnинг порлоқ келажагидан далолат беради. Шундай экан ёшларимизни жисмонан ва ақлан соғлом инсон этиб тарбиялаш, билимли, маънавияти бой ва Ватанга садоқатли қилиб воёга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Юрtnимизда таълим тизими-ни ривожлантириш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Барча таълим муассасалари қайтадан таъмирланиб, янги жиҳозлар ва ўқув қуроллари билан таъминланаётган. Чет элданги нуфузли олий таълим муассасаларининг филиаллари очилиб, уларнинг қошида академик лицейлар ташкил этилмоқда.

Олмазор туманидаги Турин политехника университети ҳузуридаги академик лицей ҳам ана шундай замонавий таълим даргоҳларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 сентябрдаги «Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузурида академик лицей

фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2010 йил май ойидаги «Академик лицей ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи асосида Тошкент шаҳридаги Турин политехника

университети ҳузуридаги академик лицей фаолиятини бошлади.

Бундан мақсад иқтидорли, қизиқувчан ёшларнинг билим олишларига шарт-шароит яратиб бериш, инглиз тили ва аниқ фанлар йўналиши бўйича олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш учун илмий-назарий жиҳатдан мустаҳкам тайёрларлиш ва пухта маълумотга эга бўлган ёшларни танлаб олишдир.

Ушбу таълим муассасаси 450 ўқувчи мўлжалланган бўлиб, ҳар йили 150 нафар ўқувчи аниқ фанлар йўнали-

Миробод туманидаги 110- умумтаълим мактабида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан анъанавий Август кенгаши ва шўба йиғилишлари ташкил этилди.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мутасадди вакиллари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири, методистлар, таълим мактаблари раҳбарлари, амалиётчи ўқитувчилар ва ёш мутахассислар иштирок этди.

Ушбу семинар 2014-2015 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилари, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимларининг касбий маҳоратларини ҳамда таълим муассасалари раҳбарлари, педагогларнинг масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш, янги ўқув йилида таълим сифатини янада яхшилаш юзасидан устувор йўналишларни белгилаш мақсадида ташкил қилинди.

Август кенгашида болаларни мактабга тайёрлашнинг сифат ва самарадорлигини ошириш омиллари, бошланғич таълимни мазмунан такомиллаштириш, ўқув жараёнининг методик ва мультимедиа маҳсулотлари, ахборот таъминоти, мактабларда чет тилини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, хусусида фикр юритилди.

Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини кўтариш, маълумотларда медиа воситаларидан, электрон ресурслардан, Интернет маълумотларидан самарали фойдаланган ҳолда таълим сифатини ошириш борасида ҳам сўз борди.

Жумладан, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан пойтахтдаги умумтаълим мактабларида таълим жара-

ёнига ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши, ўқитувчиларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, яратилаётган электрон ресурслардан фойдаланиш, ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлиги таҳлил этилди.

Умумтаълим мактабларида маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, ўқувчиларда кенг дунёқараш, ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғусини шакллантириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Шу билан бирга мавжуд муаммолар борасида ҳам фикр билдирилиб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисида ахборот берилди.

— Бугунги анжуманимиз таълим тизимида чуқур ислохотлар, янгиланишлар бошланган бир даврда ўтаётган, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиги ўринбосари вазифасини бажарувчи Фароғат Аҳмаджонова. — 2013-2014 ўқув йили бошқа ўқув йиллари сингари сермазун ва янгиланганга бой бўлди. Бу ўқув йилининг олдингиларидан фарқи шундаки, таълим муассасаларида таълим сифатини янги босқичга кўтариш, педагогик жамоаларда ижодий муҳитни яратиш, ўқувчи шахсига қаратилган таълимнинг илғор педагогик технологияларини жорий этиш мақсадида «Дарс муқаддас», «Ўрган-ўргат», «Мураккаб фанни ўрганаман», «Соғлом муҳит — соғлом жамоа» тадбирлари амалга оширилди. Хар бир ҳудудда барча қулайликларга эга бўлган замонавий



жихозланган намунали мактаблар ташкил этилди. Энг асосийси, келажаги порлоқ ёшларимизнинг таълим-тарбия олишлари учун янада сермахсул ва самарали меҳнат қилинди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда шахримиздаги қарийб барча мактаблар замонавий компьютер синфларига эга, уларнинг ҳаммаси Ziyonet тармоғига ulang, мактаблар тўлиқ электрон дарслик, мультимедиа воситалари билан таъминланган. Кейинги уч йил давомида Жанубий Кореядан ташриф буюрган мутахассислар томонидан 90 нафар педагоглар учун АКГ йўналишида қисқа муддатли курслар ташкил этилди. Бундан ташқари сўнгги уч йил давомида 1400 донa компьютерлар келтирилиб, 112 та мактаблар қўшимча компьютер синфларига эга бўлди.

Навбатдаги анъанавий Август кенгаши ва шўба йиғилишлари, таълим жараёнидаги ислохотларни изчил давом эттириш ва педагог кадрларнинг касб маҳоратларини янада оширишда ўзига хос ўрин тутди, албатта.

Гулнеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Ислом Исмоилов олган сурат

ҚОНУНИЙ НИКОХ — БАХТЛИ ҲАЁТ ПОЙДЕВОРИ

Юртимизда оиллага жамиятнинг асоси, муҳим бўлини сифатида қаралади. Давлат миқёсидаги масала сифатида оила институтининг ҳуқуқий асослари аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Бош Қонунимизга мувофиқ оила жамиятнинг асосий бўлини ҳисобланиб, у жамият ва давлат муҳофазасидадир.

Оиланинг биринчи шарти — никоҳ. Расмий никоҳ қайд этилиши билан эр ва хотиннинг ўзаро ҳамда жамият олдидаги ҳуқуқлари, бурчлари пайдо бўлади. Ана шу ҳуқуқ ва бурчларга амал қилиниши оилани мустаҳкамлайди, шундай оилани ўзининг жамият олдидаги вазифаларини бажара олади. Зеро, қомил инсон ҳар томонлама фаровон, бекаму кўст, соғлом оилادا тарбия топади, улғаяди.

Қонуний никоҳ эр-хотиннинг ўзаро ахдлашуви, иттифоқи сифатида муайян шартларга риоя қилиниб тузилади ва никоҳланувчилар ўртасида маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради. Бироқ, баъзида никоҳ шартларига риоя этилмасдан тузилган никоҳлар ҳам учрайди, уларнинг ҳуқуқий оқибатларини белгиллаш, бу каби ҳолатларнинг олдини олиш зарурати пайдо бўлади.

Оила кодексининг 14, 16-моддаларида белгиланган шартлар бузилган тақдирда, шунингдек, сохта никоҳ, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини қўзламай никоҳ қайд қилдирганда никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш суд тартибида амалга оширилади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво шайхон ёки жамоат манфаати бўлган шахс тақдим қилиши мумкин. Бундайлар доирасига никоҳ тузилиши оқибатида ҳуқуқи бузилган эр ёки хотин, никоҳланувчиларнинг ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органи ва прокурор киради.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар ҳам судга тааллуқли бўлиб, бундай туркумдаги ишлар низоли ишлар бўлганлиги сабабли умумий даъво ишларини кўриш тартибида ҳал қилинади.

Қонунда белгиланган никоҳ тузиш шартларини бузиб қайд қилинган никоҳ суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Масалан, никоҳ тузиш учун никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари бўлмаса, бошқа бекор қилинмаган никоҳ мавжуд бўлса, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилади, шунингдек, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳга қирган ҳолатлар ҳақиқий бўлмаган никоҳлар сирасига киради.

Тарафларнинг ёки улардан бирининг оила қуриш мақсадини қўзламай қайд қилинган никоҳи (сохта никоҳ) ҳам ҳақиқий эмас деб топилади. Афсуски, жамиятда тор шахсий манфаатларни қўзлаб сохта никоҳдан ўтиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Ҳуқуқолиқ ишлари бўйича Учтепа туманлараро судига фуқаро Дилором Сафарова даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Акмал Хўжаевга (исм-фамилиялар ўзгариб берилмоқда) нисбатан никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Суд мажлисида аниқланишича, даъвогар Д.Сафарова жавобгар А. Хўжаев билан 2010 йил 16 июль куни Чилонзор туман ФХД бўлимида қонуний никоҳдан ўтишган. Бироқ бу никоҳ оила қуриш мақсадида эмас, ўзаро келишилган шарт асосида тузилган. Тарафлар оилавий муносабатларга киришмаган, умумий рўзгор юритмаган. Бу келишувга кўра, Чилонзор туманидаги уйни жавобгар А. Хўжаев «ҳадя» тариқасида қабул қилиши, бунинг учун эса ундан талаб қилинадиган нарсаси — даъвогар Д. Сафа-

ровага «уйланиши», уни Тошкент шаҳрига доимий рўйхатга ўтказиши, «никоҳ»дан кейин уйни унинг номига расмийлаштириб бериши, шундан кейин судга ариза бериб ажралиши керак бўлган. Бу сохта никоҳдан қўзланган асосий мақсад эса Д. Сафарованинг Тошкент шаҳрига доимий рўйхатга ўтиши ва юқорида таъкидланган уйни унинг номига ўтказиш бўлган. Бир сўз билан айтганда, сохта никоҳ орқали Д. Сафарованинг уй-жой масаласини ҳал қилиш мақсад қилинган. Бироқ...

Ҳаммаси режадагидек кетаётганда, сохта «куёв» — А. Хўжаев фикридан қайтиб қолади: яъни «келин» — Д. Сафаровани доимий рўйхатга ўтказиш ва уйни унинг номига ҳадя қилишдан бош тортади.

Мана шундан кейин даъвогар никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга мажбур бўлган. Суд даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 56-моддасига кўра, ҳақиқий эмас деб топиладиган эр-хотин учун ушбу Кодекста белгиланган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Никоҳи ҳақиқий эмас деб топиладиган шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

Никоҳ оиланинг вужудга келишида дастлабки ва бирдан-бир асос, оми. Унга шунчаки муайян мақсадга эришиш воситаси дея қараш миллий менталитетимизга батамом зиддир. Никоҳ муносабатлари қанчалик соф, эркин, ихтиёрий, шунингдек, давлат томонидан қўйилган талабларга монанд равишда тузила, албатта, шу оиланинг макеи, обрўйи баланд бўлади.

2013 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга кўра Жиноят Кодексининг Махсус қисмига 125-1-модда қўшилди. «Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланувчи мазкур модда никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, эрта-она ёки уларнинг ўринини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш каби ҳолатлар бўйича жавобгарлиқни белгилаб беради.

Соғлом оила барпо этиш учун ёшларимизда билим ва соғлом дунёқарашни, талаб ва масъулиятни шакллантириш мақсадида никоҳгача тиббий қўриқдан ўтказиш, ёшларни соғлом оила барпо этишга тайёрлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, барқарор дамодан манбаларини шакллантириш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу сав-ҳаракатлар мазмун-моҳиятида аввало, жамиятнинг ўзига бўлган оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш мақсади муҳассам.

Баҳром НУРМАТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиги

ФУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан 2014 йил июнь-декабрь ойларига жойларда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларини сайёр қабул қилиш кунлари жадвали тасдиқланди. Жадвалга мувофиқ фуқаро ва тадбиркорлар 2014 йил 19 август куни Миробод тумани ва Яккасарой туманлари биргаликда Яккасарой туман ҳокимлиги мажлислар залида соат 10.00 дан 12.00 гача ва Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги мажлислар залида соат 15.00 дан 17.00 гача ўтказилаётган сайёр қабулларда қатнашиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари мумкин.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимизда «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида Саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, халқимизнинг замонавий тиббий ёрдамдан баҳрамандлик даражасини оширишда юксак самара бераётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар қўламли янада кенгаймоқда.

Саломатлик ҳафталиги доирасида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий қўриқлар эҳтиёжманд инсонлар, юқори малакали тиббий-диагностика ва маслаҳат-ташхис ёрдамига муҳтож, диспансер назоратида турган беморларнинг саломатлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб жорий йилнинг 11-16 август кунлари ўтказилаётган навбатдаги Саломатлик ҳафталиги аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий ифодасидир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборот хизматида маълум қилишларича, ушбу лойиҳани юқори савияда ўтказиш мақсадида ҳафталик тадбирларига ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт олий ўқув юртлири ва етакчи клиникаларнинг уч юздан зиёд олим ва малакали шифокори жалб этилган.

Саломатлик ҳафталигида жарроҳлик, акушер-гинекология, даволаш, педиатрия, невропатология, кардиология, эндокринология, офтальмология, урология, травматология ва ортопедия, стоматология ва бошқа соҳалар бўйича олимлар ва малакали шифокорларнинг иштироки таъминланаётир.

Тошкент вилоятида ўтаётган чуқурлаштирилган тиббий қўриқларда вилоятдаги шифоналар врачлари билан бирга Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидан келган олим ва мутахассислар иштирок этмоқда.

— Фарзандим ўн ёшда, — дейди Зангиота туманида яшовчи Дурдона Ниёзова. — Турли касалликларга қарши ўз вақтида эмлангани, мунтазам равишда тиббий қўриқдан ўтказилаётгани боис қизим соғлом ўсмоқда. Бугун туманимизда ўтказилаётган тиббий текширувда шифокорлар керакли маслаҳатлар беришди. Юртбошимиз ташаббуси билан фарзандларимизнинг камолини қўзлаб ташкил этилаётган бундай тадбирлар туфайли болаларимиз соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда.

Тиббий қўриқ доирасида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, турли хасталикларнинг олдини олиш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, ёшларнинг тиббий маданиятини юксалтириш юзасидан тарғибот-тўшунтириш тадбирлари ташкил этилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири



КАМОЛОТ ЙЎЛИДАГИ БАДИЙ САБОҚЛАР

Машҳур шоир ва ёзувчилар ҳам бир асар устида йиғирма, ўттиз йил машғул бўлган. Яъни мукаммал, инсоният маънавий оламига тез кириб борадиган, ҳаёт сабоқлари хусусида қизиқарли маълумотлар берувчи асарлар йиллар ўтиб ҳам инсонни ҳамиша ҳаяжонга соладиган, замон билан ҳамнафас бўла оладиган асар бўла олади.

Аслида ижодкор аҳли миллат ўзлигини, урф-одатларимиз, қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини англашга, юрт озодлигини барпо этишга қаратилган гоғларни ўз асарлари орқали етказишга уринганлар. Шу сабабли Тошкент Фармацевтика институтида талаба-ёшларга соҳа мутахассислари сифатида таълим бериш билан чекланмасдан, улар қалбда адабиётга, санъатга бўлган қизиқишларини шакллантириш ҳамда баркамол шахс бўлиб камол топишларига алоҳида аҳамият бериб келинади.

Ўтказиб келинаётган тадбирлар натижа-сида институтда миллий маънавиятимизни тарғиб қилиш, фуқароларимиз, айниқса, талаба-ёшларимиз онгда бузғунчи гоғларга нисбатан мустаҳкам мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларда бадий ва мантӣкий тафаккурни шакллантиришга эришиляпти.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам равишда амалга ошириш билан бир қаторда бадий асарлар орқали

уларни тарғиб этиш, сингдириш ижобий натижаларни юзага чиқаради.

Ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларда «Буюк алломалар ҳаёти ва ижодий фаолияти ватанпарварлик тарбиясида ибрат манбаи» мавзуси доирасида туркум дара сўхбатларини уюштириш, бунда адиблар, шоирлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, ёш авлодга замонавий талаблар асосида билим бериш, уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбиялашда ажодларимиз меросларидан, бадий адабиётдан кенг фойдаланиш, тарғибот-ташвиқот ишларидега кўргазмалӣ воситалар, мультимедияларни қўллаш ҳамда соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда бу ишларни амалга ошириш жоиздир.

Ёшлари билимли, юксак тафаккурли юртининг келажаги буюк бўлиши аниқ. Бу йўлда бадий асарларнинг таъсири, ўрни беқийс. Буни ҳис қилиб яшаётган кишилар миллат фахрига айланиши мумкин.

НИГОРА АШУРОВА,
Тошкент Фармацевтика институти
маънавият ва маърифат бўлими бош
мутахассиси

Мустақиллик шарофати туфайли халқимиз маънавий загумлардан озод бўлди, эркин фикр, миллий мафкура ва гоғга энг аввало, миллий тикланишга кенг йўл очилди. Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида маънавиятни тиклаш ва юксалтиришни таъминловчи маънавий-маърифий ислохотлар, кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш каби хайрли ишлар амалга оширилди.

ҚАЛБ ГЎЗАЛИГИ ТИМСОЛЛАРИ

Аввало маънавият ҳақида сўз борар экан, уни юксалтиришда энг муҳим омил, менинг назаримда маънавий мерос ҳисобланиб у қадим замонлардан бундан аждрларимиз, ота-боболаримиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар,

ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий ва бадий санъат асарлари мажмуида намоён бўлади.

Маънавий мерос жамият тараққиётининг барча босқичларида инсонларнинг эҳтиёжларини туфайли юзга келади ва ўша давр ҳаётини ўзида акс эттиради. Бу жамият янгилани-

ши билан йўқолиб кетмайди, балки кейинги авлодларга маънавий қадрият сифатида етиб боради. Албатта, инсоннинг маънавий онги ривожланиши сайин жамият ўзгариб, гуллаб-яшнаш бошлайди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «...биз маънавиятни қўлимизда енгилмас кучга айлантирайлик». Бунинг учун эса биз ёшлар шундай жамият барпо этайликки — унда маънавият сарчашмаси ҳамиша товланиб турсин.

ХУРШИДА НОСИРОВА

Ўзбекистон спорт делегацияси жорий йилнинг 16-28 август кунлари Нанкин шаҳрида бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун 11 август кунги Хитойга жўнаб кетди. Дунё ёшларининг ушбу спорт анжуманида ўзбекистонлик 28 нафар ёш олимпиячи спортнинг 14 тури бўйича голиблик учун баҳслашади.



ЎЗА олган суратлар

Сафар олдида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси ўринбосари Фарҳод ТУРДИЕВ ёш спортчиларимизнинг нуфузли мусобақага тайёргарлиги ҳақида ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни гапириб берди:

– Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Ф.Турдиев. – Бунинг самарасида ёшларимиз спорт орқали нафақат саломатлигини мустаҳкамламоқда, балки ҳаётда ўз йўлини топишда, олдида қўйган эзгу мақсадларига эришмоқда. Бугун йигит-қизларимиз йирик халқаро мусобақаларда дунёнинг ривожланган давлатларидаги тенгдошлари билан тенгма-тенг баҳслашиб, истиқлол йилларида вояга етган баркамол авлодимизнинг куч-қудратини намоён этмоқда.

Бугун спортга бўлган муносабат илгаригидан бутунлай фарқ қилади. Авваллари ота-оналар фарзандининг спорт билан шуғулланишини беҳудага вақт сарфлаш, деб қараган, чунки бунинг учун етарли шароит, имконият, энг асосийси, рағбат бўлмаган. Ҳозир ота-оналарнинг ўзлари фарзандининг спорт билан шуғулланиши учун ташаббус кўрсатаётди. Бойси юртимизда спорт билан шуғулланишни истаган ўғил-қизларга барча шароит муҳайё қилинган, улар ўз қизиқиши ва қобилиятига қараб истаган спорт турини танлаш имконига эга. Айниқса, Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган спорт турлари билан шуғулланишга қизиқиш кучайгани диққатга сазовордир.

Халқаро майдонларда юқори натижаларга эришадиган ёш иқтидор эгалари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, улар Президентимизнинг, халқимизнинг эътиборида. Асосийси, улар нуфузли мусобақаларда мустақил Ўзбекистон номидан иштирок этиш ва ўз она Ватани шарафини ҳимоя қилиш имконига эга бўлди. Бу спортчиларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшадиган муҳим омиллардандир.

Спортчиларимизнинг Олимпия ва Осиё ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, универсиадаларда галаба қозониб, совринли ўринларни қўлга киритаётгани давлатимиз раҳбарининг соҳа ривожига, ёш авлод камолотига ва халқимиз фаровонлигини изчиллик билан ошириб боришга қаратаётган доимий эътиборининг амалдаги самарасидир.

Ёз — ўтмоқда соз

БОЛАЖОНЛАР МАМНУН

Айни кунларда мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларини мароқли ўтказишларида имкон яратиш мақсадида шаҳримиздаги кўпгина мактаблар қошида ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилган.

Хусусан, Юнусобод туманидаги 260-мактаб қошидаги спорт соғломлаштириш оромгоҳида болажонларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Айниқса, бу масканда болажонлар спортнинг кўпгина турлари, хусусан, футбол, волейбол, стол тенниси, сузиш, шахмат, шашка билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга ўсмирларнинг соғлом, тетик бўлишларида катта аҳамият касб этувчи су-

зиш билан шуғулланишлари мақсадида барпо этилган очик сув ҳавзаси дам олувчиларни хушнуд этмоқда. Шунингдек, оромгоҳда кутубхона, маънавият ва маърифат хонаси болажонлар хизматида. Дарвоқе, оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган ўқувчиларнинг касб-ҳунарга ўрганишлари, турли фанларни пухта ўзлаштиришлари мақсадида тўғрақларнинг ташкил этилганлиги қувонарли ҳолдир.

Ақбар ЙЎЛДШЕВ

2010 йилдан ўтказила бошланган ўсмирлар Олимпиадаси жаҳон ёшлари ўртасида олимпия ҳаракатини кенг тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш орқали навқирон авлоднинг соғлом турмуш тарзига жалб этиш, истеъдодларни аниқлаш ва уларни катта спортнинг юксак чўққиларини забт этишга тайёрлаб бориш мақсадини кўзлайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси тегишли вазирлик ва идоралар, спорт федерациялари билан ҳамкорликда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, юқори малакали спортчи ва

раёнда уч босқичли узлуксиз спорт тизими – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт мусобақаларининг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда.

Бундан кўзланган асосий мақсад – халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар авлодини тайёрлаш, олимпия заҳираларини бойитиш, ўзбек спортни салоҳиятини янада юксалтиришдан иборат.

2010 йили Сингапурда ўтган I ўсмирлар Олимпиадасида 21 нафар спортчимиз иштирок этиб, 3 кумуш ва 6 бронза медални қўлга киритган бўлса, бу йилги Олимпиадада 28 нафар спортчимиз 14 спорт тури бўйича баҳсларда иштирок этди. Сингапур Олимпиадасига йўлланма олган спортчиларимиз асосан пойтахт ва етти вилоятдан терма жамоага сараланган ёшлар бўлса, бу йилги Олимпия ўйинлари йўлланмасига эга бўлган ёшлар юртимизнинг деярли барча ҳудудларидан сараланган иқтидорли спортчилардир. Бу жойларда «оммавийликдан – профессионализмга» тизими яхши йўлга қўйилганидан далолатдир.

Нанкин Олимпиадасига йўлланмаларни қўлга киритган спортчи ва мураббийларнинг мазкур нуфузли мусобақага муносиб тайёргарлик қўришини таъминлаш мақсадида спорт федерациялари билан ҳамкорликда изчил ишлар амалга оширилди. Жумладан, қатор спорт турлари бўйича терма жамоалар бир неча босқичли халқаро ва юртимизнинг тоғли ҳудудларида ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этди. Уларнинг жисмоний-руҳий, техник ва тактик тайёргарлик қўриши учун спорт базаларида етарли шароит муҳайё қилинди. Шунингдек, уларнинг Хитой иқлимига мослашиши, Олимпия кишлоғида нуфузли мусобақа олдида кўнма ҳосил қилишни таъминлаш мақсадида спортчи ва мураббийларимиз Нанкин шаҳрида Олимпия ўйинлари очилишидан бир неча кун илгари жўнатилди.

Спортчиларимиз Нанкин Олимпиадасида ҳам юксак галабаларга эришиб, бутун дунёга тажриба ва маҳорат бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатади, Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб совға билан қайтади, деб ишонамиз.

Байрам АЙТМУРОВОВ
ёзиб олди

Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, ёшларимизнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар яратилмоқда.

Болалар спортини

БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Миробод туманида жойлашган 12-сонли ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спортнинг сузиш турига ихтисослаштирилган бўлиб, у 1978 йилда фойдаланишга топширилган. 1999 йилда мактабга олимпия заҳиралари мактаби берилган. Бугунги кунда спорт мактабининг эришган ютуқлари эътирофга сазоворлигини таъкидлаш жоиз.

— Ҳозирги кунда мактабда 35 та ўқув гуруҳлари мавжуд бўлиб,

унда жами 469 нафар спортчи шуғулланади, уларнинг 96 нафари қизлар ташкил этади, — дейди 12-сонли ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директор ўринбосари Хусан Сағдиев. — Айни дамда спорт мактабида 12 нафар мураббий фаолият олиб бормоқда. Олий тоифадаги мураббийлар сузишнинг барча йўналиши бўйича ёш иқтидор эгаларига ўз билим ва тажрибалари билан яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Мазкур муассасада 25х12 метрли ёпиқ сузиш ҳавзаси, спорт зали, тренажёр зали, тиббиёт хоналари мавжуд.

Мактабининг спортчилари доимий равишда Республика, шаҳар, туман мусобақаларида энг юқори ўринларни эгаллаб келиш билан биргаликда халқаро мусобақаларда ҳам иштирок этишадиган қувонарлидир. Бундан ташқари «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида ҳам доимий етакчилиكنи ўз қўлларида сақлаб келишади.

Шу ўринда жорий йилда қўлга киритилган ютуқларга назар ташласак. Бугунги кунгача Республика, шаҳар ва туман миқёсида ўтказилган мусобақаларда мактаб спортчилари жами 400 га яқин турли медалларни қўлга киритишган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 28-29 июнь кунлари Германиянинг Штутгарт шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобақада мактабининг 6 нафар спортчиси қатнашиб, жами 17 та медал — 3 та олтин, 6 та кумуш ва 8 та бронзага эга бўлган спортчиларга келгусида юртимиз шарафини янада кенг ёйишларида зафарлар тилаймиз.

Зиёда РАСУЛОВА

МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ НАМОЙИШИ

Кейинги йилларда анъана ва урф-одатларимиз, жумладан миллий тўйларимиз ҳам янгидан сайқал топиб, замон руҳига ҳамоханг бўлиб бормоқда.

Шаҳримиздаги «Lotto citi hotel Tashkent palace» меҳмонхонасида inter Tashkent expo компанияси томонидан «Turmalin» модалар агентлиги «NVS» студияси ҳамда «Yasminatour» сайёҳлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Тўйлар муборак» лойиҳасида иштирок этган ҳолда бунга яна бир қарра амин бўлдик.

Мазкур тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳолда янада тарққий топтириш, ўзбек халқининг ноб ва бебаҳо маънавий дунёси, маданий мероси, анъаналари ва маросимларини намоён этишдан иборат.

Гала-оқшом давомида тадбир иштирокчилари «La Sposa», «O'zbekim», «GAF», «Dilmurod», «Zakia», «Beatriss», «Princess», «Florans», «Mursak» ва бошқа етакчи тўй либослари салонлари дизайнерлари томонидан тайёрланган келин кўйлаклари ва атлас, адрас ҳамда ипақдан тикилган миллий либослар билан танишдилар. Ўзбекистондаги барча тўй тантаналарини биравлаштирган, никоҳ маросимлари ҳақидаги ўзбек тилидаги дастлабки сериал мазмун журнал — «Тўйлар муборак» ҳақида тасаввурларини бойитдилар.

Йиғилганларда айниқса модельер Дилмурод Миркомиллов томонидан яратилган бетакрор либослар катта таассурот қолдирди.

Бетакрор кеча давомида меҳмонлар «Zo'r-zo'r star» лойиҳасининг маҳоратли қатнашчиси Яна Бахтиева ва «Зарба» гуруҳининг солисти Ришат Тухтибакиев жуфтлигидан ташкил толган янги музика гуруҳи — «Ўзбекистоннинг илк чиқиши, Лола, Шаҳзода, Нилуфар каби эстрада юлдузлари, «Марварид» болалар ансамбли ижросидаги ранг-баранг дастурни мириқиб томоша қилдилар. Мукарамма Бекмуродова ижро этган «Келин салом» эса дилларга завқ-шафқ бағишлади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖдаги ижарага бериладиган бўш жойлар тўғрисида 13.08.2014 йил ҳолатига маълумот

Умумий овқатланиш

17-18 ошхона	худудда	147,5 кв.м
3-корпус, 2-қават	худудда	30 кв.м
3-корпус, 2-қават	худудда	152 кв.м
19-20 ошхона	худудда	154,9 кв.м

Бошқа турдаги

3-корпус, 2-қават	худудда	216 кв.м
4-корпус, 1-қават		18 кв.м
4-корпус, 2-қават		37,3 кв.м
4-корпус, 2-қават		13,1 кв.м
4-корпус, 2-қават		108 кв.м
8 та хона ҳар бири 18 кв.м		
енгил типдаги павильон/пайнет, атторлик буюмлари учун савдо хизмати	худуд ичида	7,5 кв.м
90-сонли бокс	худудда	57,3 кв.м
43-контейнер		15 кв.м

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ Тошкент шаҳри, Бектемир тумани Автомобиль халқа йўли.
Тел. 295-98-04, 295-96-52



Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,

Тошкент шаҳрида 14 август кунги ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёнғинчилик бўлмайди. Шарқдан ғарбга томон селкундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади.

14 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, тағмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни etkazib бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz Буюртма Г- 855

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6527 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ